



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (12.376)

Баҳоси эркин нарҳда

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**Шу йил 1 апрель куни халқ депутатлари  
Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан  
ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳосилдор тупроғи, бой минерал хомашё манбалари, етарли сув заҳиралари билан алоҳида ажралиб туришини, гўзал табиати, хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишини ҳайратга солишини таъкидлади.

Вилоятнинг миришкор деҳқонлари ўзларининг пешона тери эвазига етиштираётган ноз-неъматлари билан наинки вилоят аҳолисини, аини чоғда азим пойтахтимиз аҳлини ҳам мева, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент вилоятида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлмиш саноат юқори даражада ривожланган. Умуман олганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини тасдиқлайди, деди Ўртабшаримов.

Воҳада ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё, нефть-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машҳур «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчик, Олма-

лик, Бекобод шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларини келтириш мумкин.

Президентимиз Тошкент вилоятида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни қайд этган ҳолда, мавжуд камчиликларни таъкидлаб, галдаги устувор вазифаларга алоҳида тўхталди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Р.Холматов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тавсиясига кўра Андижон вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессияда «Нуроний» жамғармаси Чиноз тумани бўлими раиси Мираҳмад Давронов, Бўка туманидаги «Мустақил Ўзбекистон» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Саидов, Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси Олимжон Тўйчиев, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори Мархабо Курбонова сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, ислохотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР  
КУНИ



## ЁШЛАР ЎҚИШ ВА ИШГА

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Таълим ва мутахассислик – 2013» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмағида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ, «Education Voyage» агентлиги, «Карьера+» газетаси тахририяти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Малайзия, Россия, Чехия, Хитой, Буюк Британия, Сингапур ва Япония каби қатор давлатларнинг олий таълим муассасалари ва компаниялари, дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани ва бу халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлади. Мазкур халқаро кўргазма мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига кўмаклашиш, жумладан, ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Мамлакатимизда таълим соҳасини босқичма-босқич ислох қилиш бўйича узқикни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарорлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён

этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётир.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча жабҳаси учун юқори малакали, рақобатбардош қадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шунингдек, қадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз корхоналарига ўрта махсус таълим олган ёшлар муайян касб-хунарни пухта эгаллаб, ишлаб чиқариш жараёни асосларини яхши билган ҳолда тайёр мутахассис сифатида келмоқда. Йигит-қизлар касб-хунар коллежларида умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб катта бир неча касб-хунарни эгаллаш имкониятига эга. Бу борада лицейлар ҳам муҳим вазифани бажармоқда. Лицейларда ўқувчилар академик йўналишлар бўйича умумий таълимни чуқур ўрганишдан ташқари, муайян ихтисосликлар бўйича фанларни ҳам ўзлаштирмоқда. Йигит-қизлар лицей ва коллежларни тамомлагач, олий ўқув юртиларига кириш ва танлаган мутахассислиги бўйича таълимни давом эттириш учун етарлича билимга эга бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда)

**XXI саҳоси**  
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган давлат гранти танловларида Самарқанд вилоятидаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол иштирокини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

● Сирдарё вилоятида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Ҳаёт учун» кўрак беги саратони миллий уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Биз – бир жамоа, биз – бир оиламиз» ижтимоий акцияси ўтказилди. Кўрак беги саратонига чалинган аёллар саломатлигини тиклашга моддий ва маънавий кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган мазкур йирик лойиҳада вилоятнинг турли ҳудудларидан мингдан ортиқ ёшлар, жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этди.

● Нукусдаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабида қўшиқлар фестивали ўтказилди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда Оролбўйининг барча ҳудудидан 20 нафардан ортиқ йигит-қиз ўз истеъдодини синовдан ўтказди.

● Бекобод шаҳрида Ёшлар маркази фаолият бошлади. «Ўзбекистон металлургия комбинати» – «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти ҳомийлигида бунёд этилган ушбу марказда ёшлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, маънавий-маърифий тадбирлар ва турли учрашувлар ўтказишга мўлжалланган 308 ўринли зал барпо этилган.

## ЖАҲОНДА

● Бугун Кипрда икки ҳафталик танаффусдан сўнг фонд биржалари ўз фаолиятини бошлади.

● Судан президенти Умар Башир мамлакатдаги барча сиёсий маҳбусларни умумий авф қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

● Кеча Ироқнинг Бағдод шаҳридан 140 километр узоқликда жойлашган Тикрит шаҳрида террорчи-камикадзе томонидан бензин ташувчи машинанинг портлатилиши натижасида камидан беш киши ҳалок бўлди, ўндан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Парижда Россиянинг «Роскосмос» ва Европанинг «Европа космик агентлиги» — «ESA» ўртасида 2016 ва 2018 йилларда Марс сайёрасига самовий аппаратлар учуриш юзасидан шартнома имзоланди. Унга кўра 2016 йилда «Trace Gas Orbiter» орбита модули, 2018 йилда эса Марс юзасига қўнишни амалга оширувчи роботлашган аппаратни учуриш режалаштирилмоқда. Бу икки аппаратни ҳам Россиянинг «Протон-М» юк ташувчи ракетага коинотга олиб чиқади.

● Мадагаскарда чигиртка ёғилиб, мамлакат ҳудудининг деярли ярмини эгаллаб олди. Бундай ҳодиса Мадагаскарда ярим асрдан бери содир бўлмаган эди. Маълумотларга кўра, асосий экинзорлар хавф остида қолган, бу эса мамлакатда оммавий очликка сабаб бўлиши мумкин. Чигирткага қарши кураш учун зудлик билан 22 миллион АҚШ доллари ажратиш лозимлиги таъкидланмоқда.

## ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда мазкур ишчи комиссия аъзолари – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қатнашди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери, ишчи комиссия раиси Д.Тошмухамедова бошқарди.

Ишчи комиссия зиммасига юкланган вазифаларга биноан 2013 йил давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун

лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажрибани ташкилий таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисида мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилгани ва у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаши таъкидланди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансбдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб

чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Бу қоида ва принциплар қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар яратилган. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, ахборот эркинлигини таъминламасдан бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Ахборот соҳасини демократия асосида ривожлантириш Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Марказий офицерлар уйида бўлиб ўтган илмий-амалий

анжуман «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусига бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида «World Food Uzbekistan» ва «AgroWorld Uzbekistan» халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлайди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида туманда жойлашган касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Қамолот қувноқлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.



**Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида турли вазирликлар, пойтахт бошқармалари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**



Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган долзарб масалалар тўғрисида баҳс юритиб, муаммолари масалаларнинг ечимини топишдан иборатдир.

Бугунги кунда пойтахт касба уюшмаларининг асосий вазифалари ижтимоий шерикчилик тамойилларини ривожлантириб, аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасида 2011-2013 йилларга тузилган ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳудудий келишувнинг ижросини таъминлаш, маскур келишув талабларидан келиб чиққан ҳолда қисқа ваqt давомиди касба уюшмаси ташкилотлари тузилмаган қорхоналар тўғрисидаги маълумотлар банки асосида тармоқлар бўйича касба уюшмалари янги ташкилотлари тузилиши мониторинги йўлга қўйилди. Натижада, 2012 йил давомиди 328 та янги касба уюшма ташкилотлари тузилиб, аъзолар сони 12715 нафарга кўпайди. Янги тузилган касба уюшма ташкилотлари тўлақонли фаолиятларини йўлга қўйишлари учун уларга амалий ёрдам ишлари, ўқувлар ташкил этилди. Бирлашма кенгаши масъул ходимлари томонидан 350 дан зиёд бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шаҳар қорхоналарида жамоа шартномаларининг иш берувчи билан ходимлар ўртасида ижтимоий шерикчилик асосида тузилиши доимий назоратга олинган бўлиб, 2012 йилда касба уюшма хизматига олинган 4016 та юридик шахсларнинг 3050 тасида, яъни 75,9 фоизда жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 345 минг 585 нафар, яъни 90,2 фоиз меҳнаткашларнинг манфаатлари қамраб олинди. Ҳаракатдаги жамоа шартномалари орқали унда белгиланган тадбирлар ижроси бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 1 миллион 152 минг сўм сарфланди.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустақам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган Давлат дастурини амалга татбиқ этиш юзасидан шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ўзи-

нинг дастурини ишлаб чиқди ва ижро учун тармоқ касба уюшма шаҳар ташкилотларига юборди. Дастур доирасида йил давомида пойтахт қорхона, ташкилот ва муассасаларидаги имзоланган жамоа шартномалари киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар орқали: 1086 та қорхонада 7775 нафар кам таъминланган оилалар вакиллари 767,7 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди, 38 та қорхонада 257 нафар оилага мамлакатимизда

## Касба уюшмалари фаолиятидан

# МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИНГ ИЖТимоий МУҲОФАЗАСИ БОРАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қураган ёшларга 1 миллиард 62 миллион сўмлик фойсиз ссудалар берилди, 84 та қорхонада олий ўқув юртларида тахсил олаётган 506 нафар талабалар учун контракт пулларининг бир қисми қопланиб, бу мақсадларга 1 миллиард 184 миллион сўм маблағ сарфланди, тармоқ қорхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 3874 та оилаларнинг фарзандлари учун дарсликлар, ўқув қуроллари харид қилиш учун харажатлари қисман қопланиб, 116 миллион 220 минг сўм сарфланган, 242 та қорхонада 1324 нафар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган ёш оналарга 196 миллион 125 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

2012 йил давомиди «Усто-шогирд» усулини жорий этиш доирасида 2049 нафар амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари ва 689 нафар битирувчиларига касба уюшма бюджетидан 47 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қатъий бажарилишини таъминлаш юзасидан бирлашма Кенгаши томонидан бу масаланинг доимий мониторинги олиб борилиб, тармоқ касба уюшмалари шаҳар ташкилотлари томонидан ҳокимлик, марказий банк ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда вуждга келган қарздорликни бартараф этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Иш берувчилар олдида қўйилган 14 та расмий талабномалар орқали 7 миллиард 255 миллион 606 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик ундирилди.

Касба уюшмаларнинг фаолиятида олиб борилаётган қатор ишларда вуждга келган муаммолари масалалар ҳамда соҳа касба уюшмалари ташкилотлар, бошланғич касба уюшмалардан тушган муаммолари масалаларни бартараф этиш, бандлик масаласи бўйича яратилаётган иш ўринлари мониторингини йўлга қўйиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва уларга яратилган муаммолари назоратга олиш, давлат бюджетидан молиялаштирилган бюджет муассасаларида яъни таълим, фан, соғлиқни сақлаш ҳамда давлат муассасаларида, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш, касба уюшма фаолиятида банк хизматларида фойдаланишда учраётган муаммолари масалалар юзасидан муҳокамалар ўтказилиб, бу муаммолари масалалар ечимини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар қўрилиши ҳам давра суҳбати давомиди ба- тафсил муҳокама этилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

## ЁШЛАР ЎҚИШ ВА ИШГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислон Каримов Қарори билан тасдиқланган 2011-2016 йилларга мўлжалланган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Унда олий ўқув юртлари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш, жиҳозлаш, замонавий лабораториялар

Ушбу кўргазма юртимиз таълим муассасаларининг хорижий билим юртлари билан бевосита амалий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда таълим тизимини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Унда олий ўқув юртлари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш, жиҳозлаш, замонавий лабораториялар



Сарвар Усмонов (ЎзА) олган суратлар

ташкил этиш, ўқитиш йўналишларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришни ўз ичига олган аниқ мақсадли тадбирлар белгилаб берилган.

Бугун ҳар бир йигит-қиз нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг исталган давлатига бориб, ўз билимини янада мустақамлаш, замонавий ахборот технологиялари сирини чуқур ўрганиш, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиш, касбухона эгаллаш имконига эга. «Таълим ва мутахассислик — 2013» халқаро кўргазмаси ёшларнинг бу борадаги имкониятларини янада кенгроқ ишга солиш учун кенг имконият яратди.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар таълим тизимининг замонавий услублари билан яқиндан таништириш, ўқув муассасалари ўртасида ўзаро тақриб аламаиш, шунингдек, ёшлар ўзи қизиққан соҳалардаги ўқув юртларини танлашга кўмаклашиш ва мутахассислик фаолиятидаги маълум йўналишлар бўйича иш ўринларини тақдим этишдан иборат.

Икки йўналишда ўтказилган ушбу кўргазмада Ўзбекистон, АҚШ, Малайзия, Россия, Чехия, Хитой, Буюк Британия, Сингапур, Япония каби қатор давлатларнинг йигирмадан зиёд етакчи олий ўқув муассасалари ва тил марказлари, шунингдек, кўплаб иш берувчи ташкилотлар катнашди.

Кўргазма иштирокчилари мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, англоликлар, ўзгаришлар билан танишиш имконига эга бўлишди.

Ирода УМАРОВА

**Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида «Аутизмга чалинган болаларга ёрдам қўлини чўзинг!» деб номланган акция бўлиб ўтди.**

## 2013 йил — Обод турмуш йили БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АКЦИЯ

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган маскур тадбирга шифокорлар, педагог-психологлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, чет эллик мутахассислар тақлиф этилди.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Вазирлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева 2004 йилда ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази имконияти чекланган ўғил-қизларни тиббий, педагогик-психологик реабилитация қилиш, кучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига яқиндан кўмаклашиш, жумладан, аутизм хасталигига чалинган болаларга коррекцион-даволаш муолажаларини кўрсатишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бунда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолотида қаратилаётган доимий эътибор, уларнинг ҳеч қандам кам бўлмай улғайиши учун барча имкониятлар яратилаётгани муҳим омил бўлаётди.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда илгор педагогик-психологик ёндашув ва махсус даволовчи машғулотлар орқали касаллик аломатларини бартараф этиш, хасталик белгилари зўрайишининг олдини олиш, болаларнинг сенсор (сезиш) идрокини ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Марказ мутахассис ва олимлари томонидан инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг муаммоларини ўрганишга оид илмий излашлар олиб боришмоқда.

Марказнинг ахборот-консалтинг хизматида мусиқий терапия, гидрокинезотерапия сингари машғулотлар болаларда учрайдиган аутизм белгиларини бартараф этишда, уларнинг ижодий-интеллектуал, жисмоний ривожланишига хизмат қилаётди.

Тадбир доирасида болалар бадий ижодиёти кўргазмаси ташкил этилиб, махсус мактаб-интернатлар ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

(ЎзА)

## Ножўя иш — келтирар ташвиш

### КЎЗА КУНИДА СИНДИ

**Кўза кунда эмас, кунда синади. Муқаддам судланган ўткир Зоҳидов ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланиб рўзгор тебратишни одат қилди.**

Фуқаро Гулнора Мўминова аризаси асосида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тезкор тадбир ўтказганида унинг барча ноқонуний хатти-ҳаракатлари фож бўлди. Г.Мўминова Ў.Зоҳидовга кўнгирак қилиб, 5100 АҚШ доллари кераклигини айтганида, бунга жавобан у ҳар бир АҚШ долларини «қора бозор» курсида, 2720 сўмдан сотишини айтган. Гулнора розилигини билдиргач, улар ўзаро келишувга кўра, Шайхонтоҳур тумани, М.Раҳимов кўчаси 25-уй олдида учрашди. Ўткир Гулнорага 5100 АҚШ доллари бериб, ундан 13.872.000 сўмни олган пайтда тезкор тадбир низоҳланди. Яъни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўткирни ашёвий далиллар билан қўлга туширди. Суд ҳукмига кўра, айбдор деб топилган Ў.Зоҳидов энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди. Шунга айтилар-да, ножўя иш — келтирар ташвиш, деб.

Отабек Йўлдошев,  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти  
Тошкент шаҳар Олмасор туман бўлими катта инспектори

## Қарор ва ижро

# ЭЗГУЛИККА УНДОВЧИ ОҲАНГЛАР

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси медиамарказида «Кўҳна замин оҳанглари» катта ашула, лапар ва ўлан ижрочиларининг республика телетанлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди, хабар беради ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Миллий телерадиокомпания томонидан Республика «Тасвирий ойна», «Хунарманд» уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда санъатшунос, фольклоршунос олимлар, бадий ҳаваскорлик жамоалари, санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг талаба-ёшлари иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий ўзликни англаш, маънавиятни юксалтириш йўлидаги улкан ишлар самарасида Ватанимиздаги маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликларни тиклаш, халқимизнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни ва аҳамиятини намоён этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Маскур қарорга кўра, ўзбек анъанавий мусикаси, ижрочилик санъатига оид тадқиқотлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда. «Барҳаёт анъаналар», «Мерос», «Кўҳна замин оҳанглари» каби республика кўрик-танловлари ташкил этилаётди. Бу эса миллий мусиқа санъати ва фольклор йўналишларидаги бадий ҳаваскорлик жамоаларини кўллаб-қувватлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Уч ой давом этган «Кўҳна замин оҳанглари» республика телетанловида турли ҳудудлардан саксондан зиёд иштирокчи катнашди. Улар тақдим этган мусиқий дастурнинг мазмуни, бадий савияси, миллий либослари, соз ва овоз уйғунлиги, ижро маҳорати каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Катта ашула ижрочилиги бўйича биринчи ўрин Фарғона вилояти Тошлоқ тумани маданият уйи вакиллари Рустам Атабоев, Нуриддин Мамажонов, Турдали Шарипов, Қорабой Қодировга насиб этди. Лапар ижрочилиги бўйича Фарғона вилояти Кува тумани маданият уйи катнашчилари Зилола Хабибуллаева, Хуршида Курбонова ғолиб бўлди. Ўлан ижрочилигида Андижон вилояти Асака тумани маданият уйи катнашчилари Мархабо Сатторов, Баҳодир Исмоилов энг юқори ўринга лойиқ қўрилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА

## РЕКЛАМ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилишини маълум қилади.

### БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан 05.10.2005 йилда «UzRusoi» МЧЖга берилган 6 – 356/2005 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, Ер кадастр рақами 7103597128 бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



**Оилада энг аввало, фарзандларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга яхши билим ва тарбия бериш, юксак маънавий, ахлоқий ғазилатларга эга муносиб шахслар этиб вояга етказиш азалдан муҳим масала бўлиб келган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан ушбу вазифалар Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

## Хайрли ташаббус

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

Ёш авлоднинг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган ўқув юртларида таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, иқтидорлиларнинг махсус мукофот, стипендиялар билан рағбатлантирилиши, турли соҳаларда ташаббусларининг қўллаб-қувватланиши, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун ташкил қилинган спорт мусобақалари — буларнинг бари ёшларнинг улкан салоҳиятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш йўлида қилинган энг амалдор иш.

Пойтахтимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, улар орасида маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини кучайтириш, қалбида ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида икки кун давомида минг нафарга яқин ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ёшлар учун семинар-тренинг машғулотлари ўтказилди.

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Камолот» ЕИХ шаҳар бўлими Кенгаши Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарнинг биринчи кунда руҳшунослар 11 та умумтаълим мактабларига йиғилган иштирокчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг маънавий олами ва дунёқарашини аниқлаш, билим олишга қизиқишини кучайтиришга қаратилган амалий машғулотлар ўтказдилар. Тадбир давомида ўқувчиларнинг сеvimли кино, театр актёрлари ва санъаткорлар билан учрашувлари, интеллектуал ўйинлар, викториналар, спорт тадбирлари уюштирилди. Эркин Комилов, Ёқуб Аҳмедов, Элёр Носиров, Абдураим Абдуваҳобов, Зухра Ашурова

каби машҳур актёрлар, сеvimли санъаткорларидан дастхат олиб эсдалик учун суратга тушдилар. «Камолот» ЕИХ шаҳар бўлими Кенгаши томонидан совғалар тарқатилди.

Семинарнинг иккинчи кун иштирокчилар «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Бунёдкор» спорт мажмуаси ва мажмуа қошидаги футбол мактабидан бўлишди.

— Мен бундай тадбирларнинг ўтказилишидан жуда мамнунман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 42-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Комил Хасановнинг онаси. — Фарзандим ҳам беҳад шод бўлди. Бу каби тадбирлар болаларнинг дунёқарашини кенгайтиради, маънавиятини юксалтиради, миллий анъана ва урф-одатларимиздан бохабар қилади, вояга етмаганларнинг ўзини англашига ва муносиб баҳо беришига ёрдам беради. Келажакда кўпроқ болаларни камраган ҳолда тез-тез шундай тадбирлар ўтказиб туриш лозим. Барча ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

— Мен бу семинарда иштирок этиб, машҳур актёрларнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишдим, руҳшуносларнинг қизиқарли ўйинлари, спорт турлари бўйича мусобақалар катта таассурот қолдирди, — дейди Сергели туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Абдор Ерматов. — Анжуманлар саройи, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва «Бунёдкор» спорт мажмуаси менга жуда ёқди. Семинардан жуда яхши таассуротлар билан қайтдим. Келажакда ҳуқуқшунос бўлиб, Ватаним тараққиётига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Бунинг учун мен яхши ўқишим ва ўз устимда тинмай ишлашим лозим.

Шубҳа йўқки, ушбу тадбирлар ёшлар онгида инсон ўз келажоғи учун чўқур билим олиши зарурлиги, меҳнат инсонни улуғлаши, тинчлик ва мустақиллик неъматларининг қадрига етиш лозимлиги каби тушунчаларнинг ҳосил бўлишига ўзига хос омил бўлди.

Шахноза ҚУДРАТХҲАЕВА

## Мусобақалар

# БАҲОР МАЛИКАЛАРИ

**Кейинги йилларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида Президентимиз раҳнамолигида кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ўғил-қизларимиз онг шуғурида она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари шаклланиб, иқтидорли, истеъдодли ёшлар халқаро майдонларда Ўзбекистонимиз байроғини янада баланд кўтаришга интиломоқдалар. Турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатларида вакилларимизнинг зафар кучиб, мустақил юртимиз шуҳратини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётганликлари фикримиз далилидир.

Кўни кеча «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида 1999-2000 йилларда туғилган ўқувчи-қизлар ўртасида спортнинг енгил атлетика тури бўйича уюштирилган «Баҳор маликалари» деб номланган спорт мусобақалари ҳам айнан юқоридаги мақсад йўлида ташкил этилди.

Қизгин ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой тарзда ўтган мазкур мусобақаларда ҳар бир тумандан етти нафар қизлардан иборат бўлган жамоалар қатнашди. Улар 60 метрга югуриш, 300 метр узунликка сакраш каби шартлар бўйича бор маҳорат ва иқтидорларини намойён этишди.

— Ёшларимизни спортга янада кенг жалб этиш мақсадини кўзлаб ўтказилаётган мусобақалар натижалари кишини қувонтиради, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали мутахассиси Маҳбуба Қурбонова. — Йилдан йилга кўпроқ ўғил-қизларимиз турли мусобақаларда фаол қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритишга интиломоқдалар. Эътиборлиси, замонавий, барча спорт жиҳозлари билан таъминланган болалар спорт мажмуалари ҳамиша спортни севган ўғил-қизларга хизмат қилмоқда. Шунингдек, бу масканларда янги-янги иқтидор ва истеъдодлар кашф этилмоқда.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоира МУХАМЕДОВА  
СУРАТДА: «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида ўтказилган мусобақада лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат



**Чилонзор туманида «Илм ёғдуси» номли янги китоб дўкони ишга тушди. Мазкур китоб дўконининг очилиш маросимида зиё маскани ходимлари, таниқли ижодкорлар, талаба-ёшлар ва кўплаб китоб ихлосмандлари иштирок этди.**

## Маънавият

# «ИЛМ ЁҒДУСИ»ГА МАРҲАМАТ

Тадбир давомида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо китоб дўконидаги мавжуд асарлар ва тўпламлар хусусида фикр билдириб, уларнинг бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар маънавиятига бўлган таъсири ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг шеърӣ тўпламлари барча китобхоналарнинг юрак-юрағига, қалб кўрига кириб боришининг сабабларини ўзининг устоз шоирга бағишлаб ёзган шеърӣда изоҳлаб берди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, мазкур китоб дўконининг китоб захирасидан буюк ўзбек мутафаккири-

лари, шоир ва ёзувчиларнинг мумтоз ва замонавий китоблари билан биргаликда жаҳон адабиётининг дурдоналари бўлмиш шоҳ асарлар ҳам ўрин олган. Шунингдек, хорижий тиллардаги китоблар, чет тилларини ўрганишга мўлжалланган турли хил қўлланмалар мавжуд.

Тадбирда иштирок этган китоб ихлосмандлари бу ерда китобхоналар учун бар-

ча турдаги қўшимча имкониетлар, жумладан, компьютер хизматлари ташкил этилгани уларнинг эътиборини тортгани ҳақида айтиб ўтишди.


Тадбир сўнггида ўқувчи ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Беҳзод САМАНДАРОВ,  
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
ЎзДЖТУ талабалари

— ўчоқларни ўт олдириш мақсадида бензин, керосин, солярка каби аланга олувчи воситалардан фойдаланманг;  
— ясама ва носоз мосламаларни асло ишлатманг;  
— газ мосламаларини резина шланг орқали улаб фойдаланманг, уларни ўрнатишни фақат мутахассисларга ишониб топширинг;  
— уйда газ ҳидини сезсангиз, электр асбоблари ва чироқларни ёқманг ва ўчирманг;  
— уйда газ ҳиди сезилганда дарҳол оила аъзоларингизни ташқарига чиқариб, эшик ва деразаларни очиб шамоллатинг, қўшни хонадондан газ идораларига хабар беринг;  
— электр асбобларида носозлик сезсангиз, уларни дарҳол электр манбаидан узинг.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилувчи барча фуқароларимизнинг бу офатдан сақланишларига, хонадонлари оловдан жабр кўрмай, ўзлари ҳам хотиржам бўлишларига, уйларида кут-барака аримаслигига ишончимиз комил.

Т. МАДУМАРОВ,  
12-ХЕҲО 24-ХЕҲК 8-ХЕҲ а/п смена бошлиғи,  
майор



# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Зигирдай эътибордан инсоннинг боши кўкка етади.**

\*\*\*

**Яхши суҳбат дилнинг губорини ёзади.**

\*\*\*

**Очиқ чехра — очиқ кўнгил аломати.**

\*\*\*

**Тилни билиш бошқа, ҳис қилиш бошқа.**

\*\*\*

**Манманлик жаҳолатдан.**

\*\*\*

**Иложсиз ишнинг ўзи йўқ.**

\*\*\*

**Ёмон тарбиянинг азобини бир умр чекасан.**

\*\*\*

**Энг қийини бошлаш — бир ишни бошладингми, у ёғи кетади.**

\*\*\*

**Умид минг ўлиб, минг тирилади.**

\*\*\*

**Нафс ҳоҳа ҳавасга бошлайди.**

\*\*\*

**Мард туриб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.**

\*\*\*

**Кўнгил хотиржамлигини тиласанг, нафсингни тий.**

\*\*\*

**Одам боласига ўз нафсидан кучли душман йўқ.**

\*\*\*

**Ори йўқ сени ҳам шарманда қилади.**

\*\*\*

**Замин экилишни деҳқон экишни истагандан кўпроқ иштайди.**

\*\*\*

**Риё гуноҳдан баттар.**

\*\*\*

**Ота-онанинг дастурхони баракали.**

\*\*\*

**Инсон имкониятлари чек-чекгарани билмайди. Ҳамма гап уни кашф этиш ва ишга сола билишда.**

\*\*\*

**Қориннинг эмас, кўзнинг тўйгани ҳисоб.**

\*\*\*

**Нодон қайсарлигини қўймайди.**

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

## «101»

# БЕПАРВО БЎЛМАНГ

**Ҳозирги кунда ўзимизнинг оловдан фойдаланишдаги бепарволигимиз, лоқайдлигимиз сабабли юзага келаётган ёнғинлар уйимизда, корхона-ташкilotлар биноларида катта талафотларга, йўқотишларга, кишиларнинг жароҳатланиши, ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келаётгани ҳам сир эмас.**

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг бу борадаги кўрсатмаларига амал қилмаслик, катталарнинг масъулиятини унутиб қўйишлари, болаларнинг ўт билан ўйнашлари натижаида ҳам кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқаётди. Ёнғин юзага келишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олиш учун, асосийси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, бу борада

мутахассислар маслаҳатига амал қилиш жоиз. Шу ўринда, ўзингиз ва яқинларингизнинг ҳаётини, уй-жойингиз ҳамда мол-мулкнингизни ёнғинлардан асраш мақсадида айрим қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

— ёниб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг;  
— уларни тунда ўчириб қўйишни унутманг;



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 441

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълолар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
12760 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул  
Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Ақмал АҚРОМОВ